



ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАНИҚЛИ ВАКИЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Намазова Нилуфар Камбаркуловна

филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети.

Фан: журналистика тарихи.

n.nilufarxon@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7077413>

ARTICLE INFO

Received: 08th September 2022

Accepted: 10th September 2022

Online: 14th September 2022

KEY WORDS

жадид, шўро, Ҳожи Муин,
жадид мактаби, театр,
тарих.

ABSTRACT

Мақолада шўро ҳукумати томонидан қатағон қилинган жадид зиёлиларидан бири – Ҳожи Муиннинг маърифатпарварлик фаолияти таҳлил қилинган..

Ўтган асрнинг бошларида юз берган миллий уйғониш жараёни Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби жадид зиёлиларининг фидокорона хизматлари билан боғлиқ. Уларнинг сафида Ҳожи Муин Шукруллаевнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ўз даврида муаллим, шоир, публицист, драматург, таржимон, муҳаррир бўлиб танилган Ҳожи Муин маърифатпарварлик фаолиятини Туркистон чор Россиясига қарам бўлган пайтда, «уйғониш», «интибоҳ» калималари ҳали тилларга чиқмаган, кўнгилларда умидлар туғилаётган бир даврда бошлади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, бу даврда, яъни «1901 нчи йилда, умуман Туркистон, билхосса Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз, қоронғу бир зиндон каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада ғаддор ва золим, маишати бузуқ, ахлоқи фасод эди. Шунуфтга халқ ичида фикр киргузмак ва олами исломия учун мутаддид улум ва

фунунга мутахассис доҳийлар керак эди. Муҳаррирлар, муаллимлар, диний уламо, илми иқтисодий ва ижтимоий мутахассис одамлар, сиёсий эрлар лозим эди»¹.

Бироқ зулм асоратига тушган халқ орасидан онгли ва маърифатли кишиларнинг етишиб чиқиши чоризмнинг мустабидлик сиёсатига катта хавф туғдирар эди. Шу боис рус маъмурлари бу ўлкада сўнгги уч аср давомида вужудга келган маданий ва маънавий таназзул, қоқоқлик, жаҳолатни сақлаб қолишга, миллий уйғонишни келтириб чиқарадиган ҳар қандай омилларни йўқ қилишга интиларди. Мана шундай вазиятда тарих сахнасига чиққан Туркистон зиёлилари мустабидликка қарши курашни маърифий йўл билан амалга оширишга бел боғладилар.

Халқни маънавиятли қилиш, унга ўзлигини англатиш, озодликка эришиш учун курашадиган авлодни тарбиялаш мақсадида бўлган жадид



зиёлиларнинг мактаблар ислохотидан бошланган ҳаракати матбуот, театр каби соҳаларда ҳам муваффақиятли давом этди.

1901 йилда эски мактабда болаларни ўқитиш билан фаолият бошлаган Ҳожи Муин тез орада Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурый, Саидахмад Сиддиқий каби Самарқанд маърифатпарварлари сафига қўшилди. У 1903 йилда ўз маҳалласида «усули жаид» мактабини очди.

Ҳатто «тугмали камзуллар кийиш ҳам кофирлик белгиси деб қаралган бир шароитда янги усулдаги мактаб очиш, унда рус мактаблари тартибида доска, парталар ўрнатиш, ўқиш-ўқитиш ишларини янгича ташкил қилиш, ўқувчиларга диний китоблар ва ишқий шеърлар ўрнига она тилида ёзилган тарбиявий характердаги ҳикоялар, рус тилидан таржима қилинган китоблар бериш – буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан жуда катта жасурлик ва қаҳрамонликни талаб қиларди»¹. Қолаверса, ўз ҳисобидан мактаб очиш ундан моддий фойда кўриш учун қилинадиган иш эмас эди. Унинг замондошлари билан суҳбатда бўлган олим Раҳим Муқимовнинг ёзишича: «Ҳожи Муин мактабда болаларни саводхон қилиш учун сарфланадиган маблағни халқдан йиғмаган, балки ўзининг Деволи кўндаланг қишлоғидаги боғчасида етиштирган ширин-шакар меваларни бозорга чиқариб сотиш эвазига тўплаган. Мактабдорликдан даромад олишни сира ўйламаган»².

Айтиш жоизки, Ҳожи Муиннинг серқирра фаолиятида Бехбудийнинг таъсири яққол сезилади. Бироқ унинг усули жаид мактабини очиши,

Самарқанд маърифатпарварлари даврасига қўшилишида Васлийнинг алоҳида ўрни бор.

1900 йилда ўз замонасининг етук кишиларидан ҳисобланган Васлий билан танишуви Ҳожи Муин ҳаётида янги бир даврни бошлаб берди. Васлий унга фақат араб тили қоидаларини ўргатибгина қолмай, балки шеърятга бўлган ҳавасини ҳам кучайтирди. Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб ғазалларини севиб ўқиб юрган Ҳожи Муин ўзи ҳам Наҳиф (Нимжон) тахаллуси билан ғазаллар ёза бошлади. Кейинчалик тахаллусини Меҳрий дея ўзгартирди. Унинг шеърлари, айрим мақолалари мана шу тахаллус билан матбуотда чоп этилди. Ҳожи Муин Маҳмудхўжа Бехбудий билан ҳам 1903 йилда Васлийнинг хужрасида танишади. Бу ҳақда бир мақоласида: «...бир-икки мартаба Хўжанисбатдор маҳалласиндаги усули жаид мактабимга келиб кетдики учун Бехбудий афанди ила кўришгон ва танишгон бўлсам-да, ул чоқда ҳақиқатан Бехбудий афандининг муфтилигидан бошқа қандай фазлу камоли борлиғини ва онинг ўзи яхшими, ёмонми – қандай киши эканлигини билмаган эдим»¹, дейди. Бундан Ҳожи Муиннинг Бехбудий билан танишгунига қадар янги мактабини очганлиги англашилади. Қолаверса, бошқа мақоласида: «Самарқандда 1903 йилда очила бошлагон янги мактаблар учун бошлаб китоб ёзиб бостиргонлардан бири Васлийдир. Ҳатто Самарқандда кўп вақт давом қилгон бир-икки мактабнинг очилишига Васлий сабаб бўлгондир»², деб ёзганда ўз мактабини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин.



Тараққийпарвар замондошларининг таъсири, турк-татар адабиёти, матбуотини узлуксиз ўқиб бориши, дунё воқеаларидан хабардор бўлишга интилиши натижасида Ҳожи Муин ўз даврининг илғор фикрли зиёлиларидан бирига айланди. У журналистикага усули жадид мактабининг муаллими бўлиб иш юритаётган кезларида кириб келди. Биз унинг матбуотдаги илк чиқишини 1908 йилда “Туркистон вилоятининг газети”(бундан кейин ТВГ)да чоп этилган “Янги асарлар” сарлавҳали хабари деб белгиладик. Ҳожи Муин бу хабарида устози Саид Аҳмад Васлийнинг нашр қилинган ва чоп этилаётган икки китоби ҳақида ёзади. “Арбоби ирфон ва асҳоби аъзон наздинда фазлу шарифлари маълум ўлон саодатлу домла Саид Аҳмад мударрис Васлий Самарқандий жанобларининг асари хомаларидан “Зижрал мағрур”, “Ал фавоид ал мабсут фиҳал ақоиди ғайри манқут” ном асарлари лойиқи тақдир ва таҳсиндур“¹, дея бошланувчи бу хабарда мазкур икки китоб ҳақида қисқагина шарҳ беради.

Матбуотда усули жадид мактаблари ҳақида танқидий мақолалар босилиб турган. Ҳожи Муиннинг “Интиқодот воқеага бир назар“¹ сарлавҳали мақоласи мана шундай ноҳақ танқидларга жавобан ёзилди. Унда айтилишича, “Вақт” газетасининг 416-сонида “Зиёратчи” имзоси билан, 323-сонида “Мактаб дўсти” имзоси билан чоп этилган мақолаларда Самарқанд усули жадид мактаблари танқид остига олинади. Публицист бундай танқидларнинг асоссиз эканлиги, “камчилик ва хатолари кўп” дейилмасдан, танқид муаллифининг бу камчиликларни айнан кўрсатиб ўтиши

лозимлигини таъкидлайди. “Бўйла воҳий сўзлар ким томонидан сўйланиюр? Канди заннимча, ҳақ назаринда ўзини тараққийпарвар кўрсатувчи танбаллик ичинда яшаён бир тоқим беномуслар, шуҳратпараст сафиҳлар, муфаттин иш бузувчи нокаслар тарафиндан сўйлайинур баъзиларни кўрасиз. Ўзини мактаб дўсти кўрсатиб мактабларни бузмоқ суиқасдинда баъзиларни мушоҳада этсангиз, ўзларининг қувваи таҳририят ва балоғат қаламияларини кўрсатмакчи бўлиб, аслсиз хабарлар, бефойда баҳслар, беибора охири хурофотлар“² билан матбуот орқали туҳмат қилаётганликларини ёзади. Публицист бундай ғаразли танқидларнинг “Таржумон”дан бошқа газеталарда тез-тез учраб турганлигини, бугун бир газетага танқид ёзилса, эртасига унинг раддияси кўрилишини афсус билан шундай таъкидлайди.

“Туркистон вилоятининг газети”да бундай танқидларга кенг майдон берганлигининг сабабини Ҳожи Муин яхши тушунар эди. Негаки, Шакурийнинг 1901 йилда очган усули жадид мактабининг 4 ойгина фаолият юритиб, сўнгра ёпилиб кетишига ҳам газета муҳарири Н. Остроумов сабаб бўлган эди. Бу ҳақда Турсунқул: “Остроумов Самарқандга келганда уни Туркиядан келган хариталар ортиқ ҳуркитди“², дея изоҳ беради.

Ўз даврининг салоҳиятли публицисти сифатида Ҳожи Муин юртнинг, миллатнинг истиқболи, истиқлоли кимларнинг қўлида бўлишини яхши англаб, ёшлар масаласини кўтарган. Шу боис илм ва тарбия масаласи Ҳожи Муин публицистикасининг асосий мавзуларига айланди. Публицист



«Истиқбол қайғуси»², «Таассуфлик ҳолатда»³ мақолаларида миллатнинг тараққийсига илм, таназулига эса илмсизлик сабаб бўлишини кўрсатиб берса, «Адабсизлик сабаби ва унинг чораси»⁴, «Оила тарбияси»⁵, «Ёшларимиз ва қизлар тарбияси»⁶ мақолаларида тарбия масалалари хусусида сўз юритади.

Публицист «Оила тарбияси» мақоласида ёзади: «Исломиётнинг аввалги асрлариндаги мусулмонлар оила тарбиясига аҳамият бериб, эркак ва қиз болаларини ўқита бошладилар. Хотунлар ҳуқуқини риоя этдилар. Ва шул сояда маориф ва маданият йўлига қадам қўйиб, улуғ бир қувват ҳосил этдилар. Озгина вақтда дунёнинг қисми аъзамини ўзлариға қаратдилар. Ул асрларда ислом дунёсинда эрлар қаторинда хотунлардан ҳам қанча олима ва шоира, муҳаррира, хатиба, адиба ва фақиҳалар етишган эди. Мусулмонларнинг у давр тараққийлари Аббосий халифаларнинг замониғача давом этди. Аббосийлар давринда бошлаб оила тарбияси бузилди. Хотунлар ҳуқуқиға тажовуз этилди. Халифа ва амирлар саройинда айш ва ишрат ва шафоҳат бошланди. Ҳукумат идораларинда жабру алам, ғадру хиёнатлар юз берди ва ўшал дақиқадан эътиборан мусулмонлар ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан кундан-кун таназул эта бошладилар. Ҳукуматлари қўлдан кетди, мамлакатлар барбод бўлди. Бошдан ўзгаларга амир ва ҳоким бўлиб келган мусулмонлар ахлоқсизликлари ва оила тарбиясининг бузуқлиғи сабабли бора-бора ётларға маҳкум ва асир бўлиб қолдилар»¹.

Кўринадикки, публицист кейинги асрлардаги таназул ва ўзгаларға қарам

бўлиб қолишнинг сабабларини оила тарбиясининг бузилиши, ахлоқсизлик ва илмсизлик деб кўрсатади.

Тарбияни ҳаёт-мамонт масаласи деб билган жадид муаллимлари мактабларда панд-насихат, дидактик шеърлардан кенг фойдаланишган. «Муаллимнинг хидмати зоҳиран илм ўргатмак бўлса-да, лекин ҳақиқатан олганда, ахлоқли одамлар етиштурмоқдур»⁵, деб билган Ҳожи Муин ҳам 1911 йилда А.Шакурийнинг илтимоси билан бир қанча дидактик шеърларни ўзбекчадан форсийға таржима қилди. Кейинчалик улар билан бирга ўз шеърларини ҳам тўплаб «Гулдастаи адабиёт» номли бир «рисола» тартиб этди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг кўмагида «Ойна» журнали босмаҳонасида бу китобча чоп этилди.

Беҳбудийнинг таъсири Ҳожи Муиннинг драматурглик фаолиятида ҳам яққол кўринади. «Ўзбек театри тарихи учун материаллар»ни ёзган М.Бузрук Солиҳов Ҳожи Муинни Беҳбудийнинг «яқин фикрдоши ва шогирди» эканлигини ёзар экан, «Адабий ҳаётда Беҳбудийнинг таъсири остида ва унинг гуруҳидан бўлиб боради. Айни замонда феврал инқилобидан бурунда энг кўп пиеса ёзган киши деб айтса бўлади»², дейди.

Ҳақиқатан ҳам Ҳожи Муин жадид драматурглари орасида энг самарали ижод қилган адиб. У «Эски мактаб, янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Маориф қурбонлари», «Жувонбозлик қурбонлари», «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим» каби ўнлаб пьесалар муаллифи. Унинг пьесалари XX асрнинг 30-йилларигача Самарқанд, Каттақўрғон театрларида саҳналаштириб келинган. Театршунос



Бурҳон Исломов Каттақўрғон шаҳар драма театрининг очилишида Ҳожи Муиннинг хизматлари борлигини ёзади³.

Айтиш жоизки, маърифатпарвар инсон бўлган Ҳожи Муин Каттақўрғон ижтимоий муҳитига сезиларли таъсир кўрсатган. 1918 йилда “Ишчилар дунёси” журналида чоп этилган мақолада “агар Мунаввар қори Абдурашидхонов Тошкент жадидларининг, Абдурауф Фитрат Бухоро жадидларининг раҳбари саналса, Ҳожи Муин Шукрулло Каттақўрғон жадидларининг раҳбари ҳисобланади”¹ деган таъкид бор. Дарҳақиқат, Ҳожи Муин турли ваҳлар юзасидан бу шаҳарга тез-тез бориб турган. Масалан, 1917 йилда чоп этилган мақолаларидан бирида² Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида мажлис ўтказилганлиги, унда ёпилиш арафасида бўлган “Хуррият” газетасининг моддий аҳволини яхшилаш учун “Ҳожи Муин афанди Каттақўрғонга бориб иона қайд этмоқчи” бўлганлиги таъкидланган. Унинг бу шаҳарга қилган сафарлари “Каттақўрғон хотиралари”нинг ёзилишига сабаб бўлди. Мазкур мақола “Хуррият” газетасининг уч сонидан чоп этилган бўлиб, йўл очеркини эслатади. Биринчи мақолада муаллиф Каттақўрғонга бориш асносида кўрган воқеаларни тасвирлайди. У “ваҳун тиризасиндан” бошини чиқариб, ёмғирсизликдан экин бўлмаган ерларга қараб ўйга чўмади: “Зотан ёмғур кўб ёғган йилларда ҳам Туркистоннинг экинлариндан ҳосил бўлгон донлар ўз аҳолисиға зўрға етишур эди. Бу йил ёмғирсизликдан экинларнинг баракаси ўчук, ўлкамиз қимматчилик устинда, қаҳатчиликга ҳам дучор бўлди”³.

Бундан қашшоқлар аҳволи оғирлашиб, бойлар мингларча фойда кўрдилар. У маданий миллатларнинг бойлари билан Туркистон бойларини қиёслаб кўради. Уларда бойлар кўп бўлиб, қашшоқлар озчиликни ташкил қилади. Аммо Туркистонда бойларга нисбатан қашшоқлар жуда кўп. Маданий миллатлар қашшоқ юртдошларига ёрдам кўлини чўзади. Шу сабабли уларда гадойлик каби манфур иллатлар йўқолиб бормоқда. Мана шундай ўйлар билан Каттақўрғонга етиб келади. Иккинчи мақола эса Каттақўрғондаги тараққийпарвар бойлардан Маҳбубхон афанди ҳақида, шаҳар думаси учун бўлган сайлов тўғрисида ёзилган¹. Учинчи мақолада Каттақўрғондаги қироатхона танқид остига олинади. Тўғрироғи, муаллиф ҳеч ким қадам қўймайдиган қироатхона ўрнига мактаблар очилсин, кейин қироатхонага бориб китоб ўқийдиган киши топилади, деган фикрни илгари суради². Хуллас, публицист Ҳожи Муин қаерда бўлмасин, қай ишга қўл урмасин, таълим ва тарбия маскани бўлган мактаблар ҳақида қайғуради, фикрларини матбуот орқали тарғиб этади.

Ҳожи Муин ўз кундалигида ўқитувчилик фаолияти билан 1918 йилгача шуғулланганлигини қайд қилиб ўтган. Унинг худди шу давр публицистикасида ҳам илм-маърифат тарғиботи асосий мавзу бўлганлигини кузатамиз. Бироқ у 1918 йилдан матбуот ишларига шўнғиб кетган бўлса ҳам, маорифдан узоқлашмади. Ўз публицистик мақолаларида маорифдаги муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқди, уни яхшилаш, юксалтириш йўлида тинимсиз ишлади. “Меҳнаткашлар товуши” газетасида чоп



этилган хабарга кўра, маориф комиссарлигида Беҳбудийнинг бетоблиги сабабли бу вазифани Ҳожи Муин бажарган³. Бироқ маҳаллий халқ вакилларининг юқорида лавозимларда ишлаши узоққа чўзилмас эди. Тез орада Беҳбудийнинг истеъфо бергани тарихдан маълум⁴. Бундай воқеаларга Ҳожи Муин тинч қараб туролмас эди. Жумладан, Вадуд Маҳмуд ҳам Самарқанд маориф комиссарлиги бўлими мудирлиги лавозимидан озод қилинади. Филология фанлари доктори Б.Каримов «Бу жонкуяр шахснинг ишдан бўшатилиши айрим нуфузли зиёлиларнинг, жумладан Чўлпоннинг ҳам ҳақи эътирозига сабабчи бўлди. У 1923 йил 7 январда «Туркистон» газетасида эълон этилган «Муттаҳид фронтимизнинг биринчи вазифалари» мақоласида жамоат ишларига фаол аралашиб келаётган ёшларга «англас миялар томонидан қўл теккизмакка бошлағони»ни ёзади» дея маълумот беради¹. Ҳожи Муиннинг ҳам бу борадаги эътирозли ҳаракатлари, «Туркистон» газетасида чоп этилган «Очиқ хат»²и кейинчалик унга миллатчилик тамғасининг босилишига сабаб бўлган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Фитрат сингари атоқли маърифатпарварлар қатори Ҳожи Муин ҳам Туркистонда олий мактаблар очилишини орзу қилган, бу йўлда меҳнатини аямаган инсондир. У «Халқ дорилфунуни» мақоласида Тошкентда Туркистон халқи учун дорилфунун очилгани, «Мухтор Бакир афанди» томонидан мажлис ўтказилиб, Самарқандда ҳам дорилфунун очиш учун ташкилот комиссияси сайланганлигини катта қувонч билан

ёзади. Мазкур газетанинг кейинги сонларидан «Ташкилот комиссиясининг мудирлари» Ҳожи Муин эканлиги маълум бўлади. Унинг дорилфунун шўъбасининг йиғилишига шаҳардаги барча ташкилотлардан вакил юборишларини сўраб ёзган даъватномалари газетада бир неча бор чоп этилган. Афсуски, бу эзгу иш амалга ошмай қолган. Бу ҳақда проф. Б.Қосимов шундай ёзади: «Бироқ руслаштиришни кундалик сиёсат даражасига кўтарган Шўро ҳукумати мусулмон дорилфунуни фаолиятига йўл бермади. Беш йилга мўлжалланган дорилмуаллимин 4 ойлик курсга айлантирилди ва ўша 1918 йилнинг сентябр ўрталаридаёқ тугатилди»¹. Мана шундан кейин Ҳожи Муиннинг матбуотда «Дорилжунун»² сарлавҳали ҳажвияси чоп этилди. Унда «болшевик ақчаси» бир жамоа кишиларни маст қилиб, ҳаволантиргани, ҳатто баъзиларини «қип-қизил девона» қилганлиги, дорилфунун очиш учун тузилган комиссия аъзолари энди дорилжунун(жинилар уйи) очишга қарор қилганликлари ёзилган. Публицист аччиқ кулги йўли билан мазкур масалага ўзининг муносабатини билдирган.

Ўзбек халқининг тарихи, адабиётини яхши ўрганган олим Э.Оллворт жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-эстетик ҳаракатларини олти йўналиш – таълим, тарих, адабиёт, матбуот, нашриёт, театр ва дин бўйича олиб борганлигини таъкидлаган¹. Ҳожи Муин публицистикасида мана шу олти йўналишдан фақат диний мавзуда ёзилган мақолаларни учратмадик. Кўринадики, Ҳожи Муин халқни



ғафлатдан уйғотиш, маърифатли қилиш, маънавий юксалтириш учун таълим, тарих, театр, матбуот, нашриётни муҳим восита деб билди ва ўз ўрнида бу соҳаларнинг ривожланишига ҳам маълум ҳисса қўшди.

Ҳожи Муин болшевиклар ҳукумати ўрнатилгандан кейин ҳам маърифий, маданий ва ижтимоий ишлар ҳақида ёзишдан чарчамади.

Бу соҳаларни мунтазам кузатиб борди. Турли илм ва санъат муассасаларининг очилишида жонкуярлик кўрсатди. Даврнинг кейинги ўзгаришларида публицистнинг сиёсий қарашлари ўзгариб борган бўлса-да, жадид зиёлиси сифатидаги сиймоси, маърифий қарашлари, мақсад ва ғоялари умрининг сўнгигача сақланиб қолди.